

Рамазон ва рўзага оид мавзулар нега ҳар йили баён қилинади?



17:48 / 21 февраль 117

Ҳакимул уммат, Мавлоно Ашраф Али Таҳонавий раҳматуллоҳи алайҳ шундай дейдилар:

Эҳтимол, ўқувчиларга «одамлар рўзага тааллуқли жуда кўп мавзуларни эшитиб бўлган, шундай экан, бу масалаларни яна қайта баён қилишга нима ҳожат бор?» деган хаёл келар.

Дўстлар! Сизлар ҳам бир ишни қайта-қайта қиласизларку. Кечаси таом ейсиз. Эрталаб туриб яна ейсиз. Тушда, кечкурунда яна ейсиз. Шундай экан, нега энди ваъз-насиҳат қиладиган одам ҳақида бундай хаёл пайдо бўлади-да, ўзингизнинг кундалик ишларингиз борасида бундай ўйламайсиз. Агар сизда таом ейишга эҳтиёж бўлса, эҳтиёж бўлгандан

кейин ейман-да, дейсиз. Шундай экан, нега нонни озуқа деб биласиз-у, лекин ваъз-насихатни озуқа деб билмайсиз. Ваҳоланки, жисмнинг озуқаси бўлганидек, руҳнинг ҳам озуқаси бор. Жисмга ҳар доим янги озуқа зарур бўлганидек, руҳга ҳам доимий озуқа зарур. Балки энди ваъзни қайта-қайта айтишга эҳтиёж борлигини тушунган бўлсангиз керак. Чунки ваъз-насихатнинг мақсади ҳам айнан таомники каби. Фақат фарқ шуки, озуқа баданнинг қуввати бўлса, ваъз руҳнинг тиргагидир. Шундай экан, ваъз-насихатларнинг қайта-қайта айтилиши асло фойдадан холи бўлмайди.

Муборак Рамазон ойи Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига берган улўф неъматидир. Аммо биз бу ойнинг ҳақиқатию қадрини жуда кам биламиз. Чунки, эртаю кеч ўзимизнинг дунёвий ишларимизга ўралашиб юрамиз, сахардан то шомгача айни дунёнинг юмушлари ила машғулмиз, моддият гирдобига мубталомиз. Аммо Рамазон нима ўзи, биламизми? Аллоҳ таоло фазли ила мушарраф айлаган ва бу муборак ойда у зотнинг анвору баракотлари тўлиб-тошишини биладиган зотларгина бу ойнинг қадрини билади. Сиз ушбу ҳадисни эшитган бўлсангиз керак.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ражаб ойини кўрганларида:

انْضَمَّ رَأْسُ الْوَلَدِ وَابْنُ عَشَرَ وَبَحَّرَ فِي أَنْ لَكَ رَأْسٌ مُهْلَلٌ

«Аллоҳим! Бизга Ражаб ва Шаъбонда барака ато қил ва бизни Рамазонга етказ», деб дуо қилар эдилар. («Мажмаъуз завоид»)

Яъни, умримизни шунчалик узун қилгинки, бизга Рамазон ойига етишиш насиб бўлсин.

Энди, тасаввур қилинг, Рамазон келишидан икки ой олдин уни кутиш иштиёқи бошланяпти ҳамда Аллоҳ таолодан бу ойга етказишини сўраб дуо қияптилар. Бу ишни фақатгина муборак Рамазоннинг ҳақиқий кадр-қимматини билган кимсагина қила олади.

«Рамазонни қандай ўтказамиз?» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2025 йил 7 ноябрдаги 03-07/7307 рақамли хулосаси асосида тайёрланди.